

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Маматқулова Озода*2- сон Фарғона Абу Али ибн Сино номидаги**жамоат саломатлиги техникуми.*

Республикамиз таълим тизимида тест топшириқларидан фойдаланиш

1992 йилдан буён қўлланилади. Талалабалар билимини баҳолашдап тест усулидан фойдаланиш талабаларни билимларини баҳолашда ўзлари фаол иштирок этишлари ва бу усулни ўзининг адолатлиги, ҳаққонийлиги, холислиги билан бир қаторда тезкорлик, аниқлик ва муаммога объектив ёндошишни каби ҳолатлар билан юошқа усуллардан ажралиб туради.. Келажакда касбий фаолиятида тезкор ва аниқ қарор қабул қилишни талаб этадиган хашираларни тайёрлашда тест усули айниқса муҳимдир.

Тақиқод мақсад: Тиббиёт техникумларида акушерлик фанини ўқитишда тест усулини қўллашнинг аҳамиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Тест методининг кенг тарқалиши, ривожланиши ва такомиллашувига унинг қўйидаги афзалликлари: тест топшириқлари тадқиқот мақсадига мувофиқ респондентларнинг билим, кўникма ва малакаларига аниқ баҳолаш имконини беради; ижтимоий сўровларда иштирок этган кўп сонли респондентларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ва умумлаштириш имконияти мавжуд; таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёни объектив амалга оширилади, баҳоловчи томонидан субъективизмга йўл қўйиш олдини олади. турли гуруҳ респондентларидан олинган маълумотларни қиёсий-статистик таҳлилинини ўтказишга замин тайёрлаши кабилар замин яратади. Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта мезон ҳисобга олинини лозим: - ишончлилиқ (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши). – мақсадга йўналтирилганлиги(тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги). -объективлиги (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши). Тестнинг ёпиқ типига кирувчи тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади. Тестнинг очиқ типиди бир вариантли ёки бир неча тўғри муқобил жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажратиб олишни ҳамда тўғри кетма- кетликни ўрнатиш талаб этилади. Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, талабаларнинг муайян дарс мавзуси юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифати ва самарадроллигини назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган акушерлик фанини битта ўқув курси бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади. Гетероген тестлар эса бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, талабаларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифати ва самарадорлини назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс

бўйича тузилган топшириқлар тизими. Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади. Адаптив тестлар автоматлаштирилган, талабалар билан индивидуал ишлашга имкон берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади. Тестларнинг адаптив гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача муракаблигдаги, таҳсил олувчининг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банки бўйича фақат қийин муракаблик даражали бўлиши мумкин. Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модулкредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони. Оддий тест (эслаш, ёдда сақлаш, таниш каби психик жараёнларни боришини таъминловчи тест. билимларни мустахкамлайди. Акушерлик фанини ўқитишда репродуктив даражадаги тест топшириқлари беморларни текшириш, лаборатория таҳлилларини ўрганиш , ва нихоят тўғри диагноз қўйиш масалаларини ўргатишда талабаларнинг хотирасида сақланган билим, кўникма ва малакаларни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Продуктив даражада тузилган тест топшириқлари талабалар томонидан ўрганилган назологик ҳолатларни қиёслаш, ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш, умумий хулоса чиқариш орқали жавоб беришни талаб этади.

Хулосалар:

1. Тиббиёт техникумларида акушерлик фанини ўқитишда тест топшириқларининг хилма-хил вариантларини қўллаш талабаларнинг билим олиш самарадорлигини оширади.
2. Акушерлик фанини ўқитишда янги авлод тестларини қўллаш талабалар билимини баҳолашда адолат, ҳаққонийлик, холисликни таъминлайди ,ва бўлажак шифокорни ушбу фанга бўлган қизиқишини ортиради.

АДАБИЁТЛАР:

1. Я.Н. Аллаёров."Акушерлик ва гинекологияда ҳамширалик парвариши" Тошкент 2016
2. Я.Н. Аллаёров "Акушерлик" Тошкент, 2008
3. М.А.Фозилбекова. Х.С.Зайнитдинова. Н.А.Нурматова "Акушерлик ва гинекологияда ҳамширалик иши" Тошкент, 2007
4. М.Ф. Зияева, Г.Мавлонова "Гинекология" Тошкент, 2007.